
Депутат ташаббуси билан ўқувчиларга стипендия берилмоқда
Халқ депутатлари Риштон тумани Кенгаши депутати Бахтиёр Тўйчиев ташаббуси билан
тумандаги 26-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари учун стипендия таъсис этилганди.

Бугун депутат томонидан иккинчи чорак давомида синфлар ўртасида энг юқори натижаларга эришган 10 нафар ўқувчига фахрий ёрлик ва 5 нафар ўқувчига пул мукофоти топширилди.

Тақдирлаш маросимида иштирок этган мактаб жамоаси ва ота-оналар ушбу хайрли ишда бош бўлган депутатга ўз миннатдорчилигини билдирдилар.

Бахтиёр Тўйчиев навбатдаги стипендия келгуси йилнинг май ойида берилиши маълум қилди ва ўқувчилар аъло баҳоларга ўқишга ҳамда ўзининг намунали хулқи билан бошқаларга ибрат бўлишга чақирди.

2021-12-24 16:31:47